

— Бечорани кўришга канчалик интик бўлаётганингизни кўз олдимга келтираяпман, — деб гап бошлади кайнонаси уни мархума хотини ётган хонага шоша-пиша бошлар экан. — Мана, каранг, ўлим уни кандай кўйга солди, — дея майитнинг юзига ёпилган ок ёпинчикни очишга тутинди.

Бирок куёви кутилмаганда унинг кўлини тўсди:

— Бир зум шошманг. Унинг юзини ёлгиз кўрсам, дегандим. У билан холи колсам майлими?

Унинг сўзлари хонани тўлдириб ўтирган кариндошларига бирмунча эриш туюлди. Улар бир сўз демай хонадан чикишди ва оркаларидан шёжини* суриб кўйишди.

У ок ёпинчикни бир четидан кўтариб очди.

Аёлнинг жонсиз юзида гам-кулфат ифодаси зохир эди. Куриёзган лунжлари осилиб колган, ярим очик огзидан саргайган тишлари туртиб чикиб турарди. Папирос когозидай юпка ковоклари кўз соккасига ёпиштирилгандай бўлиб кўринарди. Пешанасидаги бўртиб чиккан томирлари у чеккан азоб-укубатлардан дарак берарди.

Эри кимирлашга хам юраги бетламай мархуманинг адо бўлган ва аламдийда юзига бокканча узок ўтирди. Кейин ўрнидан туриб, майитга якин келди ва титрок кўллари билан унинг жагларини бирлаштиришга уриниб кўрди. Лекин у кўлини кўйиб юбориши билан мархуманинг огзи яна иржайиб колди. У яна мархуманинг огзини ёпиб кўйди, лекин унинг лаблари охиста ажралиб, олдинга беўхшов туртиб чиккан тишлари кайтадан очилиб колаверди. У бир неча маротаба уннади, лекин хеч кандай натижа чикмади. Шундай бўлса-да, майитнинг огзи атрофидаги маъюс ажинлар юмбаб, мулойимлашганини сезди.

У бармоклари кизиб кетганини, гўёки баданидаги барча иссиклик уларда мужассамлашганини хис килди ва жуфти халолининг юзидаги чукур ажинлари ва пешонасида бўртиб турган томирларни зўр бериб ишкалай бошлади. Кафтлари кизиб кетгунга қадар шу юмуш билан машгул бўлди.

Сўнг яна мархуманинг ёнига чўкиб, унинг юзига разм солди. Майитнинг юзи кўл тафти таъсирида кандайдир янгича тус олган, тинчлангандай, хотиржам тортгандай ва мунислашгандай эди.

Шу пайт хонага мархуманинг онаси ва синглиси кириб келишди.

— Сиз, хойнахой, йўлда толиккан бўлсангиз керак. Тушлик килиб, бир оз дам олсангиз бўларди.

Лекин бирдан онасининг кўзи ёшга тўлди ва тутилиб-тутилиб деди:

— Ё, парвардигор! Инсон рухияти накадар кучли экан-а! Шўрлик кизим сиз кайтиб келгунингизча сира жон бергиси келмаган эди! Энди эса гўё мўъжиза юз берди. Унга бир марта караганингизгаёк юзи шу қадар осудалашиб, майинлашибдики... Энди етар... Бечорани ўз холига кўяйлик.

Мархуманинг синглиси таърифи йўк лобар, чакмоқдай кўзлари билан поччасининг телбанамо кўзларига каради ва хўнграганча тиз чўкди.

*Шёжи — японлар хонадонидида суриладиган эшик.

Абдувохид Умиров таржимаси